



Общественный фонд по поддержке негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб қувватлаш жамоат фонди.



Государственный Комитет Республики Узбекистан по охране природы . Госбиоконтроль Госкомприроды Республики Узбекистан (Административным органом «CITES»).

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлат био назорати.



Эколого-ресурсный центр "ЕКОМАКТАВ".

«ЕКОМАКТАВ» экология-ресурс маркази.



Всемирный фонд дикой природы (WWF).

Дунё микёсидаги ёввойи табиат жамғармаси (WWF)



Институт генофонда растительного и животного мира академии наук Республики Узбекистан.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти

ОПРЕДЕЛИТЕЛЬ ЖИВОТНЫХ И РАСТЕНИЙ, ЯВЛЯЮЩИХСЯ ОБЪЕКТАМИ ЭКСПОРТА-ИМПОРТА ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОБЪЕКТЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИГАН ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАР АНИҚЛАГИЧИ

Справочное пособие подготовлено в рамках проекта «Профилактика нарушений требований законодательства в области охраны окружающей среды и содействие в выполнении обязательств конвенции СИТЕС» при поддержке Общественного фонда по поддержке негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан, а так же Всемирного фонда дикой природы (WWF).

Маълумотнома-қўлланма «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ва СИТЕС конвенцияси мажбуриятларини бажаришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди (WWF) кўмагида тайёрланган.

UO`K:
KBK:
M55

Определитель животных и растений, являющихся объектами экспорта-импорта. Справочное пособие. Составители: Г.Ф. Гончаров, Е.А. Быкова, А.В. Есипов. Под редакцией: Н.С. Шивалдовой. Ташкент, 2016. 145 с.

Ўзбекистон учун экспорт-импорт объектлари ҳисобланадиган ҳайвонлар ва ўсимликлар аниқлагичи. Маълумотнома-қўлланма. Тузувчилар: Г.Ф. Гончаров, Е.А. Быкова, А.В. Есипов. Н.С. Шивалдова таҳрири остида. Тошкент, 2016. 145бет.

Данный определитель предназначен для работников таможенной службы и сотрудников органов охраны природы. Пособие содержит информацию о животных и растениях, включенных в Приложения CITES, занесенных в Красную книгу Узбекистана, охотничьих трофеев – объектов массового экспорта. В нём обсуждаются вопросы контроля экспорта-импорта объектов растительного и животного происхождения, как на национальном, так и на международном уровне.

Мазкур аниқлагич божхона хизмати ходимлари ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари учун мўлжалланган. Қўлланмада CITES Иловаларига, Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар, ов ўлжалари – оммавий экспорт объектлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Унда ўсимлик ва ҳайвонот олами объектлари экспорт-импортини ҳам миллий, ҳам халқаро даражада назорат қилиш масалалари муҳокама этилади.

Распространяется бесплатно.
Текин тарқатилади.

Рисунки : А. Плужников
Расмлар : А. Плужников

Перевод на узбекский: Т. Рустамов
Ўзбек тилига таржима: Т.Рустамов

Дизайн: ООО Art Web Tasarim

СОДЕРЖАНИЕ:

МЕЖДУНАРОДНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО ПО ВОПРОСАМ ЭКСПОРТА-ИМПОРТА ЖИВОТНЫХ И РАСТЕНИЙ _____	10
ПРИРОДООХРАННОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН _____	14
ПОРЯДОК ОФОРМЛЕНИЯ И ВЫДАЧИ РАЗРЕШЕНИЙ НА ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОБРАЗЦОВ ВИДОВ ЖИВОТНЫХ И РАСТЕНИЙ _____	16
ПОРЯДОК ИМПОРТА И ЭКСПОРТА ОБЪЕКТОВ ЖИВОТНОГО И РАСТИТЕЛЬНОГО МИРА, И ИХ ЧАСТЕЙ ЗА ПРЕДЕЛЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН _____	18
КРАТКИЙ ОПРЕДЕЛИТЕЛЬ ЖИВОТНЫХ И РАСТЕНИЙ, ВКЛЮЧЕННЫХ В ПРИЛОЖЕНИЯ CITES _____	21
ТРЕБОВАНИЯ К ПЕРЕВОЗКЕ ЖИВЫХ ЖИВОТНЫХ _____	113
СОДЕРЖАНИЕ ОБРАЗЦА РАЗРЕШЕНИЯ CITES _____	121
ПЕРЕЧЕНЬ ВИДОВ ЖИВОТНЫХ УЗБЕКИСТАНА, ВКЛЮЧЕННЫХ В ПРИЛОЖЕНИЯ CITES _____	126
СПИСОК ОСНОВНЫХ ВИДОВ (ГРУПП ВИДОВ) ЖИВОТНЫХ, ВКЛЮЧЕННЫХ В ПРИЛОЖЕНИЯ CITES В КРАСНУЮ КНИГУ УЗБЕКИСТАНА, ДРУГОЙ СТАТУС. _____	131
ОБРАЗЕЦ РАЗРЕШЕНИЯ CITES НА ВВОЗ/ВЫВОЗ _____	137
ОБРАЗЕЦ РАЗРЕШЕНИЯ НА ВВОЗ/ВЫВОЗ ГОСКОМПРИРОДЫ РУЗ _____	138
СХЕМА ПРОВЕРОК РАЗРЕШЕНИЯ _____	139
КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ ОРГАНОВ CITES В УЗБЕКИСТАНЕ _____	144

МУНДАРИЖА:

ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПОРТ-ИМПОРТИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ХАЛҚАРО ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ _____	12
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ _____	15
ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАР ТУРЛАРИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ-ИМПОРТИ УЧУН РУХСАТНОМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ _____	17
ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ ОБЪЕКТЛАРИ, УЛАРНИНГ ҚИСМЛАРИНИ ИМПОРТ ҚИЛИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ТАШҚАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ _____	19
CITES ИЛОВАЛАРИГА КИРИТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА АНИҚЛАГИЧИ _____	21
ТИРИК ҲАЙВОНЛАРНИ ТАШИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР _____	113
CITES РУХСАТНОМАСИ НАМУНАСИНING МАЗМУНИ _____	121
CITES ИЛОВАЛАРИГА КИРИТИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙВОНЛАРИ ТУРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ _____	126
CITES ИЛОВАЛАРИГА, ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ КИТОБИГА КИРИТИЛГАН, БОШҚА МАҚОМГА ЭГА БЎЛГАН ҲАЙВОНЛАР АСОСИЙ ТУРЛАРИ (ТУР ГУРУҲЛАРИ)НИНГ РЎЙХАТИ _____	134
ОЛИБ КИРИШ/ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН CITES РУХСАТНОМАСИ НАМУНАСИ _____	137
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING ОЛИБ КИРИШ/ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН РУХСАТНОМАСИ НАМУНАСИ _____	138
РУХСАТНОМАНИ ТЕКШИРИШ ТАРТИБОТИ СХЕМАСИ _____	139
CITES ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН АЛОҚА БОҒЛАШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР _____	145

СПИСОК СОКРАЩЕНИЙ:

КК РУз - Красная книга Республики Узбекистан, 2009 г.

МСОП - Международный Союз охраны природы

CITES - Конвенция о международной торговле дикими видами фауны и флоры, находящимися под угрозой исчезновения

ИАТА - Международная ассоциация воздушного транспорта

Правила ИАТА - правила перевозки живых животных авиатранспортом

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ:

ЎзР ҚК - Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби, 2009 йил

ТМҚХУ - Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро уюшмаси

СИТЕС - Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция

ИАТА - Ҳаво транспорти халқаро уюшмаси

ИАТА қоидалари - тирик ҳайвонларни авиатранспортда ташиш қоидалари

ПРЕДИСЛОВИЕ

Международная торговля дикими животными, дикорастущими растениями и их частями и продуктами жизнедеятельности становится все более привлекательной статьей дохода. В результате такого бизнеса и, в частности из-за незаконного перемещения животных и растений из страны в страну, многие виды стали объектами массовой, зачастую незаконной, заготовки, что в свою очередь ведет к сокращению численности определенных видов животных и растений. Предметом данного определителя являются дикие животные и дикорастущие растения Узбекистана, представители фауны других регионов, а также виды животных и растений, включенные в Приложения CITES, а так же виды иностранной фауны и флоры, наиболее часто пересекающие границу Узбекистана, на экспорт-импорт которых требуется специальное разрешение органов охраны природы.

Настоящий определитель подготовлен для работников таможенной службы и органов охраны природы с целью осуществления контроля за экспортом-импортом животных, растений и их частей.

Объектами экспорта-импорта являются животные и их дериваты – шкуры, рога, черепа, когти, перья, клыки, чучела, изделия из дериватов, внутренние органы, икра и т.д., растения и их части – листья, семена, корни и т.д., зоологические и ботанические коллекции.

В соответствии с законодательством Республики Узбекистан для осуществления экспорта-импорта и реэкспорта диких животных и дикорастущих растений, независимо от их статуса, а также декоративных животных, включенных в Приложения Конвенции CITES, необходимо разрешение органов охраны природы. Образцы бланков разрешений прилагаются. Экспорт-импорт указанных животных без разрешения органов охраны природы – незаконный. На нарушителей составляются соответствующие документы, объекты незаконного экспорта-импорта задерживаются. О задержании информируются органы охраны природы. Животные передаются в органы охраны природы или в зоопарк.

При прохождении таможенного контроля на бланках разрешений таможенной службой в обязательном порядке делаются соответствующие отметки о количестве вывозимых или завозимых животных или растениях по видам, и дате.

СЎЗБОШИ

Ёввойи ҳайвонлар, ўсимликлар, уларнинг қисмлари ва ҳаёт фаолияти маҳсулотлари билан халқаро савдо даромаднинг янада жалб қилувчан моддасига айланмоқда. Бундай бизнес натижасида, шу жумладан ҳайвонлар ва ўсимликлар бир мамлакатдан бошқа мамлакатга қонунга хилоф равишда олиб ўтилиши туфайли, кўпгина турлар оммавий, аксарият ҳолларда ноқонуний тайёрлаш объектларига айланди ва бу, ўз навбатида, ҳайвонлар ва ўсимликлар муайян турлари сонининг қисқаришига олиб келмоқда. Мазкур аниқлагичнинг предмети Ўзбекистон Республикаси чегарасидан айниқса кўп олиб ўтиладиган, экспорт-импорт қилиш учун табиатни муҳофаза қилиш органларининг махсус рухсатномаси талаб этиладиган Ўзбекистоннинг ёввойи ҳайвонлари ва ўсимликлари, бошқа минтақалар ҳайвонот олами вакиллари, шунингдек CITES Иловаларига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг турлари ҳамда чет эл мамлакатлари флора ва фаунаси турларидир.

Ушбу аниқлагич божхона хизмати ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари учун ҳайвонлар, ўсимликлар ва уларнинг қисмлари экспорт-импорти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида тайёрланган.

Экспорт-импорт объектлари ҳайвонлар ва уларнинг дериватлари – териси, шохлари, калла суяклари, тирноқлари, патлари, сўйлоқ тишлари, тулумлари, дериватлардан ясалган буюмлар, ички органлари, увилдириғи ва ҳоказолар, ўсимликлар ва уларнинг қисмлари – барглари, уруғлари, илдизлари ва ҳоказолар, зоология ва ботаника коллекцияларидир.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар, уларнинг мақомидан қатъи назар, шунингдек CITES Конвенцияси Иловаларига киритилган декоратив ҳайвонлар экспорт-импорти ва реэкспортини амалга ошириш учун табиатни муҳофаза қилиш органларининг рухсатномаси талаб этилади. Рухсатномалар бланкларининг намуналари илова қилинади. Кўрсатилган ҳайвонлар экспорт-импорти табиатни муҳофаза қилиш органларининг рухсатномасисиз ғайриқонуний деб эътироф этилади. Қонунбузарларга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади, қонунга хилоф экспорт-импорт объектлари ушлаб қолинади. Ушлаб қолиш тўғрисида табиатни муҳофаза қилиш органларига хабар қилинади. Ҳайвонлар табиатни муҳофаза қилиш органларига ёки ҳайвонот боғига топширилади.

Божхона назоратидан ўтаётганда рухсатномаларнинг бланкларига божхона хизмати томонидан олиб чиқиладиган ёки олиб кириладиган ҳайвонлар ёки ўсимликлар миқдори ҳақида уларнинг турлари бўйича тегишли белгилар қўйилади ва сана кўрсатилади.

МЕЖДУНАРОДНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО ПО ВОПРОСАМ ЭКСПОРТА-ИМПОРТА ЖИВОТНЫХ И РАСТЕНИЙ

КОНВЕНЦИЯ О МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ ВИДАМИ ДИКОЙ ФАУНЫ И ФЛОРЫ, НАХОДЯЩИМИСЯ ПОД УГРОЗОЙ ИСЧЕЗНОВЕНИЯ (CITES)

Конвенция о международной торговле видами дикой фауны и флоры, находящимися под угрозой исчезновения (Convention of International Trade in Endangered Species of Wild fauna and Flora) – CITES, или Вашингтонская конвенция, была подписана 3 марта 1973 г. в Вашингтоне (США) и вступила в силу с 1 июля 1975 г.

Для целей этой Конвенции термин «международная торговля» означает экспорт, реэкспорт, импорт и интродукцию из моря объектов животного и растительного мира, включенных в I, II и III Приложения. Под термином «образец CITES» следует понимать любое животное или растение, включенное в Приложение CITES, живое или мертвое, или любая легко распознаваемая его часть или производное (дериват), в том числе те, которые по документам, упаковочному ярлыку или маркировке, или по иным признакам являются, или могут являться, частями или производными (дериватами) животного или растения. CITES предусматривает прохождение специальных процедур при перемещении через таможенные границы образцов, включенных в Приложение CITES. На каждую партию образцов необходимо иметь разрешение CITES. Приложение CITES каждые три года уточняются Конференцией Сторон – стран-участниц Конвенции.

Узбекистан подписал Конвенцию 8 октября 1997 г.

Приложение I CITES включает виды животных и растений, находящиеся под угрозой исчезновения. Экспорт, реэкспорт и импорт таких видов в коммерческих целях запрещен, за исключением экземпляров, являющихся вторым поколением при размножении животных в питомниках (включая зоопарки), зарегистрированных в установленном порядке Секретариатом CITES. Для экспорта за рубеж и импорта образцов Приложения I необходимо получение как экспортного, так и импортного разрешения CITES.

Приложение II CITES включает виды, которые в данное время хотя и не обязательно находятся под угрозой исчезновения, но могут оказаться под такой угрозой, если торговля образцами таких видов не будет строго регулироваться в целях недопущения такого использования, которое несовместимо с их выживанием. Для экспорта за рубеж и импорта образцов Приложения II необходимо получение экспортного разрешения CITES.

Приложение III CITES включает виды, которые по определению любой Стороны подлежат регулированию в пределах ее юрисдикции в целях предотвращения или ограничения эксплуатации и в отношении которых необходимо сотрудничество других Сторон в области контроля торговли. Для экспорта за рубеж образцов Приложения III необходимо получение сертификата о происхождении (Узбекистан выдает экспортное разрешение CITES).

Разрешение на экспорт, реэкспорт и импорт образцов животных и растений, включенных в Приложение I, II, III CITES, выдается Административным органом CITES.

В случае экспорта или реэкспорта в государство или импорта из государства, не являющегося участником CITES, аналогичная документация, выдается компетентными властями такого государства и в основном соответствует требованиям CITES, касающимся разрешений и сертификатов любым государством при согласовании с Секретариатом CITES. Административный орган является специально уполномоченным органом исполнительной власти в области охраны окружающей среды, на которые возложены обязанности по выполнению требований Конвенции: осуществление процедуры по рассмотрению заявок и выдаче разрешений, подготовка отчетов в Секретариат, материалов к Конференциям Сторон и т.п.

В Республике Узбекистан функции Административного органа CITES, возложены на Госкомприроду РУз.

Научный орган обеспечивает деятельность Административного органа информацией о состоянии видов и о возможности и допустимости импортно-экспортных операций с образцами CITES с точки зрения отсутствия негативного воздействия на природные популяции. Функции Научного органа CITES возложены на Институт генофонда растительного и животного мира АН РУз.

РОЛЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ В КОНТРОЛЕ ПЕРЕМЕЩЕНИЯ ОБРАЗЦОВ CITES

Ролью таможни заключается в проведении документального и физического осмотров с целью проверки законности представленных документов и их соответствия фактическим товарам. Сотрудникам таможни оказывают помощь в идентификации образцов, специалисты научных организаций и органов охраны природы. Таможенные лаборатории и другие научные учреждения могут анализировать определенные товары на принадлежность их к образцам CITES.

ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПОРТ-ИМПОРТИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ХАЛҚАРО ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ЙЎҚОЛИБ КЕТИШ ХАВФИ ОСТИДА ТУРГАН ЁВВОЙИ ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАР ТУРЛАРИ БИЛАН ХАЛҚАРО САВДО ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ (CITES)

Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (Convention of International Trade in Endangered Species of Wild fauna and Flora) – CITES ёки Вашингтон конвенцияси 1973 йил 3 мартда Вашингтонда (АҚШ) имзоланган ва 1975 йил 1 июлдан бошлаб кучга кирган.

Мазкур Конвенция мақсадлари учун «халқаро савдо» атамаси I, II ва III Иловаларга киритилган ўсимлик ва ҳайвонот олами объектларининг экспорти, реэкспорти, импорти ва денгиздан интродукциясини англатади. «CITES намунаси» деганда CITES Иловасига киритилган ҳар қандай, тирик ёки ўлик ҳайвон ёки ўсимликни ёхуд унинг таниб олиш мумкин бўлган ҳар қандай қисми ёки ҳосиласи (деривати)ни, шу жумладан ҳужжатлари, ўрам ёрлиғи ёки тамғасига ёинки бошқа белгиларига кўра ҳайвон ёки ўсимлиكنинг қисмлари ёки ҳосилалари (дериватлари) ҳисобланадиган ёки ҳисобланиши мумкин бўлган объектларни тушуниш лозим. CITES ўз Иловасига киритилган намуналарни божхона чегарасидан олиб ўтишда махсус назоратдан ўтиш тартиботини назарда тутаяди. Намуналарнинг ҳар бир туркуми учун CITES рухсатномасига эга бўлиш талаб этилади. CITES Иловаларига ҳар уч йилда бир марта Конвенция иштирокчиси бўлган мамлакатлар – Томонлар Конференцияси томонидан аниқлик киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Конвенцияни 1997 йил 8 октябрда имзолаган.

CITES I Иловаси йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини ўз ичига олади. Бундай турларни тижорат мақсадида экспорт, реэкспорт ва импорт қилиш тақиқланган, ҳайвонлар CITES Котибияти томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган парваришхоналарда (шу жумладан ҳайвонот боғларида) кўпайтирилганда иккинчи авлод ҳисобланадиган нусхалар бундан мустасно. I Илова намуналарини импорт ва чет элга экспорт қилиш учун CITESнинг ҳам экспорт, ҳам импорт рухсатномасини олиш талаб этилади.

CITES II Иловаси ҳозирги вақтда йўқолиб кетиш хавфи остида турган бўлмаса-да, бироқ, агар мазкур турларнинг намуналари билан савдо қилиш улардан бундай турларнинг яшаб қолишига имкон бермайдиган тарзда фойдаланилишига йўл қўймаслик мақсадида қатъий тартибга солинмаса, шундай хавф остида қолиши мумкин бўлган турларни ўз ичига олади. II Илова намуналарини импорт ва чет элга экспорт қилиш учун CITESнинг экспорт рухсатномасини олиш талаб этилади.

CITES III Иловаси ҳар қандай Томон таърифига кўра фойдаланишнинг олдини олиш ёки чеклаш мақсадида унинг юрисдикцияси доирасида тартибга солиниши лозим бўлган ва савдони назорат қилиш соҳасида бошқа Томонлар ҳамкорлиги талаб этиладиган турларни ўз

ичига олади. III Илова намуналарини чет элга экспорт қилиш учун келиб чиқиш сертификатини олиш талаб этилади (Ўзбекистон Республикаси CITESнинг экспорт рухсатномасини беради).

CITES I, II, III Иловаларига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар намуналарининг экспорти, реэкспорти ва импорти учун рухсатномалар CITES Маъмурий органи томонидан берилади.

Экспорт ёки реэкспорт билан боғлиқ ҳолда давлатга ёки импорт билан боғлиқ ҳолда CITES иштирокчиси бўлмаган давлатдан шунга ўхшаш ҳужжатлар мазкур давлатнинг ваколатли органлари томонидан берилади ва CITES Котибияти билан келишилган ҳолда CITESнинг ҳар қандай давлатга қўйиладиган рухсатномалар ва сертификатларга оид талаблари билан асосан мос келади.

Маъмурий орган атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ижро этувчи ҳокимиятнинг махсус ваколатли органи бўлиб, унга Конвенция талабларини бажариш вазифалари: аризаларни кўриб чиқиш ва рухсатномалар бериш, Котибиятга ҳисоботларни тайёрлаш, Томонларнинг Конференцияларига материалларни тайёрлаш ва ҳоказоларни амалга ошириш юкланади.

Ўзбекистон Республикасида CITES маъмурий органи вазифалари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юкланган.

Илмий орган Маъмурий орган фаолиятини турларнинг ҳолати тўғрисида ва табиий популяцияларга салбий таъсирнинг йўқлиги нуқтаи назаридан CITES намуналари билан импорт-экспорт операцияларини бажариш мумкинлиги ва бунга йўл қўйилиши тўғрисида маълумотлар билан таъминлайди. CITES Илмий органи вазифалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтига юкланган.

CITES НАМУНАЛАРИНИНГ ОЛИБ ЎТИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА БОЖХОНА ХИЗМАТИНИНГ РОЛИ

Божхона хизматининг роли тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунийлигини ва уларнинг ҳақиқий товарларга мувофиқлигини текшириш мақсадида ҳужжатли ва жисмоний кўздан кечиришларни ўтказишдан иборат. Намуналарни идентификация қилишда божхона ходимларига илмий ташкилотлар ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг мутахассислари ёрдам кўрсатади. Божхона лабораториялари ва бошқа илмий муассасалар муайян товарларни CITES намуналарига уларнинг мансублиги нуқтаи назаридан таҳлил қилишлари мумкин.

ПРИРОДООХРАННОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

На национальном уровне управление охраной и рациональным использованием природных ресурсов растительного и животного мира осуществляется в соответствии с Законами Республики Узбекистан «Об охране и использовании растительного мира» и «Об охране и использовании животного мира» Положением «Об урегулировании использования биологических ресурсов и о порядке прохождения разрешительных процедур в сфере природопользования», а также «Правилами охоты и рыболовства на территории Республики Узбекистан».

ЗАКОН «Об охране и использовании животного мира» регулирует отношения в области охраны и использования диких животных, обитающих в состоянии естественной свободы на суше, в воде, атмосфере и в почве, постоянно или временно населяющих территорию Республики Узбекистан, а также содержащихся в полувольных условиях или искусственно созданной среде обитания для научных или природоохранных целей.

ЗАКОН «Об охране и использовании растительного мира» регулирует отношения в области охраны и использования растительного мира, произрастающего в естественных условиях, а также дикорастущих растений, содержащихся в условиях культуры, для их воспроизводства и сохранения генетического фонда.

ПОЛОЖЕНИЕ «Об урегулировании использования биологических ресурсов и о порядке прохождения разрешительных процедур в сфере природопользования».

ПРАВИЛА охоты и рыболовства на территории Республики Узбекистан регламентируют порядок ведения охоты и рыболовства в Узбекистане, устанавливая сроки и нормы добычи животных, а также виды животных, запрещенные к добычению.

КОНТРОЛЬ ЗА ПОЛЬЗОВАНИЕМ ОБЪЕКТАМИ ЖИВОТНОГО МИРА

Государственный контроль за охраной, использованием и воспроизводством объектов животного мира осуществляется органами государственной власти на местах и органами Госкомприроды в порядке, установленном законодательством.

Животные и растения и их части, зоологические и ботанические коллекции, продукты жизнедеятельности и их производные, трофеи, чучела, задержанные при попытке незаконного импорта - экспорта подлежат изъятию.

Решение о дальнейшем использовании изъятых живых животных и растениях принимается Госкомприродой по согласованию с Академией наук Республики Узбекистан. Порядок принятия решения о дальнейшем использовании изъятых живых животных определяется отдельным ведомственным нормативным актом.

Лица, виновные в нарушении законодательства об охране и использовании животного и растительного мира, несут дисциплинарную, административную и уголовную ответственность в установленном порядке.

Юридические и физические лица обязаны возместить вред, причиненный нарушением законодательства об охране и использовании животного и растительного мира, в порядке и на условиях, установленных законодательством. Возмещение ущерба не освобождает виновных от ответственности в соответствии с законодательством.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

Миллий даражада ўсимлик ва ҳайвонот олами табиий ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни бошқариш Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» қонунлари, «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги Низом (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги **290**-сон Қарори), шунингдек «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидалари»га мувофиқ амалга оширилади.

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҚОНУН қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча турадиган ёввойи ҳайвонларни, шунингдек илмий ёки табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида ярим эркин шароитда ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҚОНУН табиий шароитда ўсадиган ўсимлик дунёсини, шунингдек, такрор етиштириш ва генетик фонддини сақлаш учун экиб ўстириладиган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

«Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги НИЗОМ ўсимлик ва ҳайвонот олами объектларидан фойдаланиш, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот олами объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш ҚОИДАЛАРИ Ўзбекистонда ов қилиш ва балиқ овлашни амалга ошириш тартибини, ҳайвонларни овлаш муддатлари ва меъёрларини, шунингдек овлаш тақиқланган ҳайвонларнинг турларини белгилайди.

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСТИДАН НАЗОРАТ

Ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни кўпайтириш юзасидан давлат назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади.

Ноқонуний импорт-экспорт қилишга уринишлар пайтида ушланган ҳайвонлар ва ўсимликлар, уларнинг қисмлари, зоология ва ботаника коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ва улардан ҳосил бўлган маҳсулотлар, ўлжалар, тулумлар олиб қўйилади.

Олиб қўйилган тирик ҳайвонлар ва ўсимликлардан келгусида фойдаланиш тўғрисидаги қарор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қабул қилинади. Олиб қўйилган тирик ҳайвонлардан келгусида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги қарор алоҳида идоровий меъёрий ҳужжат билан тартибга солинади.

Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш туфайли етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

ПОРЯДОК ОФОРМЛЕНИЯ И ВЫДАЧИ РАЗРЕШЕНИЙ НА ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОБРАЗЦОВ ВИДОВ ЖИВОТНЫХ И РАСТЕНИЙ

Разрешения на экспорт и импорт образцов животных и растений органами охраны природы в установленном порядке.

Каждое разрешение оформляется на бланке установленного образца в двух экземплярах, с защитной маркой на первом экземпляре, подписывается уполномоченным на то должностным лицом и скрепляется печатью. Для каждой партии образцов оформляется отдельное разрешение.

Экспорт образцов осуществляется в указанные сроки и через таможенный пункт, указанный в разрешении. Оригинал разрешения с защитной маркой следует вместе с образцом.

Оригинал разрешения СИТЕС на завезенные образцы предоставляется в Административный орган СИТЕС и хранится в деле. Схема проверки разрешений показана в Приложении 5.

Для оформления разрешения на экспорт-импорт образцов, необходимо представить заявление, в котором указывается:

- цель экспорта, реэкспорта, импорта (коммерческая, научная, личная и т.д.);
- вид животного или растения с указанием его полного русского и латинского названия;
- описание образца (живые животные или растения, шкуры, чучела, тушки, кости, рога, клыки, кровь, икра, а также изделия и т.д.; для живых животных - пол и возраст, наличие идентифицирующих меток; семена, листья, стебли и др. части растений);
- количество или вес образцов;
- происхождение образца (изъято из природы, выведено или выращено в искусственных условиях или на основании каких документов импортировано из другой страны, конфисковано, куплено, получено в качестве дара или наследства и т.п);
- планируемые сроки и таможенный пункт экспорта или импорта образцов, средства транспорта и схема маршрута;
- подтверждение для живых животных в том, что их транспортировка будет осуществляться в соответствии с правилами ИАТА;
- юридический адрес (для физических лиц домашний адрес, паспортные данные) экспортера (ре-экспортера) и импортера на русском и английском языках, их телефоны и факсы.

ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАР ТУРЛАРИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ-ИМПОРТИ УЧУН РУХСАТНОМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ

Ҳайвонлар ва ўсимликларнинг намуналарини экспорт ва импорт қилиш учун рухсатномалар табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан белгиланган тартибда берилади.

Ҳар бир рухсатнома белгиланган намунадаги бланкда икки нусхада, биринчи нусхага муҳофаза тамғаси босилган ҳолда расмийлаштирилади, ваколатли мансабдор шахс томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Намуналарнинг ҳар бир туркуми учун алоҳида рухсатнома расмийлаштирилади.

Намуналарни экспорт қилиш кўрсатилган муддатларда ва рухсатномада кўрсатилган божхона пункти орқали амалга оширилади. Рухсатноманинг муҳофаза тамғаси босилган асл нусхаси намуна билан бирга жўнатилади.

Олиб кирилган намуналар учун СИТЕС рухсатномасининг асл нусхаси СИТЕС Маъмурий органига тақдим этилади ва йиғмажилдда сақланади. Рухсатномаларни текшириш схемаси 5-иловада кўрсатилган.

Намуналар экспорт-импортга рухсатномани расмийлаштириш учун ариза бериш лозим ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

- экспорт, реэкспорт, импорт мақсади (тижорат, илмий, шахсий ва ҳ.к.);
- ҳайвон ёки ўсимлик тури унинг тўлиқ русча ва латинча номи кўрсатилган ҳолда;
- намуна тавсифи (тирик ҳайвонлар ёки ўсимликлар, тери, тулум, тана, суяклар, шохлар, сўйлоқ тишлар, қон, увилдирик, шунингдек буюмлар ва ҳ.к.; тирик ҳайвонлар учун – жинсий ва ёши, идентификация қилувчи белгиларнинг мавжудлиги; ўсимликнинг уруғлари, барглари, новдалари ва бошқа қисмлари);
- намуналар миқдори ёки вазни;
- намунанинг келиб чиқиши (табиатдан олинган, сунъий шароитда кўпайтирилган ёки етиштирилган ёхуд қайси ҳужжатлар асосида бошқа мамлакатдан импорт қилинган, мусодара этилган, харид қилинган, ҳадя ёки мерос сифатида олинган ва ш.к.);
- намуналарни экспорт ёки импорт қилишнинг режалаштирилган муддатлари ва божхона пункти, транспорт воситалари ва маршрут схемаси;
- тирик ҳайвонлар учун уларни транспортда ташиш ИАТА қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши ҳақида тасдиқнома;
- экспортчи (ре-экспортерчм) ва импортчининг юридик манзили (жисмоний шахслар учун уй манзили, паспорт маълумотлари) рус ва инглиз тилларида, уларнинг телефон рақамлари ва факслари.

ПОРЯДОК ИМПОРТА И ЭКСПОРТА ОБЪЕКТОВ ЖИВОТНОГО И РАСТИТЕЛЬНОГО МИРА, И ИХ ЧАСТЕЙ ЗА ПРЕДЕЛЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Документами, подтверждающими законность добывания, приобретения, распоряжения или владения образцом, могут являться:

- доверенность на право распоряжаться или пользоваться образцом;
- копия разрешения на добывание объектов животного и растительного мира;
- выписка из племенной книги с указанием даты и места рождения, племенных номеров и кличек, с указанием сведений о родителях до 2-го, а при необходимости и более поколений;
- товарный чек, если образец приобретен в торговой сети;
- первичные юридические документы, подтверждающие право собственности и/или договор купли-продажи, завещание, договор дарения;
- постановление компетентных органов о конфискации образцов и/или сертификат Административного органа CITES Узбекистана на конфискат;
- выписка из инвентарных книг музеев и других организаций, занимающихся коллекционированием;
- оригинал разрешения Административного органа CITES страны экспортера либо компетентного государственного органа, если страна – экспортер не является Стороной CITES.
- Экспорт-импорт, а также пересылка и транспортировка диких животных, их частей, зоологических коллекций, продуктов жизнедеятельности, трофеев, чучел производится по разрешениям, выдаваемым Госкомприродой (Приложение 4.).

Экспорт-импорт, а также пересылка и транспортировка диких животных, их частей, зоологических коллекций, продуктов жизнедеятельности, трофеев, чучел с территории Республики Каракалпакстан производится по разрешениям (кроме CITES), выдаваемым Государственным комитетом Республики Каракалпакстан по охране природы.

Разрешения на ввоз с целью расселения и вывоз за пределы Республики Узбекистан диких животных занесенных в Красную книгу, в том числе животных, выращенных в питомниках, выдаются Госкомприродой по согласованию с Академией наук Республики Узбекистан.

За вывоз объектов животного мира фауны Узбекистана в соответствии с размером платежа за добывание диких животных предусматривается плата:

- занесенного в Красную книгу Республики Узбекистан 5 % от стоимости разрешения на добычу данного дикого животного;
- других диких животных – 3% от стоимости разрешения на добычу данного дикого животного.

За импорт диких животных их частей, зоологических коллекций, продуктов жизнедеятельности, трофеев, чучел плата не взимается.

ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ ОБЪЕКТЛАРИ, УЛАРНИНГ ҚИСМЛАРИНИ ИМПОРТ ҚИЛИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ТАШҚАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Қуйидагилар намунани қўлга киритиш, сотиб олиш, уни тасарруф этиш ёки унга эгалик қилишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши мумкин:

- намунадан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини берадиган ишончнома;
- ҳайвон ва ўсимлик дунёси объектларини овлаш учун рухсатнома нусхаси;
- наслчилик китобидан ҳайвоннинг туғилган санаси ва жойи, насл рақамлари ва лақаблари, иккинчи авлодга қадар, зарур ҳолда эса – бундан юқори авлодлари тўғрисида маълумотлар кўрсатилган кўчирма;
- агар намуна савдо тармоғидан сотиб олинган бўлса, товар чеки;
- мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган бирламчи юридик ҳужжатлар ва (ёки) олди-сотди шартномаси, васиятнома, ҳадя шартномаси;
- ваколатли органларнинг намуналарни мусодара қилиш тўғрисидаги қарори ва (ёки) Ўзбекистон CITES Маъмурий органининг мусодара қилинган объект учун сертификати;
- музейлар ва коллекция тўплаш билан шуғулланадиган бошқа ташкилотларнинг инвентарь китобларидан кўчирма;
- экспортчи мамлакат CITES Маъмурий органи ёки экспортчи-мамлакат CITES Томони бўлмаса, ваколатли давлат органи рухсатномасининг асл нусхаси.

Ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, зоология коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, ўлжалар, тулумлар экспорт-импорти, шунингдек уларни жўнатиш ва транспортда ташиш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномаларга биноан (4-илова) амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, зоология коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, ўлжалар, тулумлар экспорт-импорти, шунингдек уларни жўнатиш ва транспортда ташиш (CITESдан ташқари) Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномаларга биноан амалга оширилади.

Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонларни, шу жумладан парваришхоналарда етиштирилган ҳайвонларни жойлаштириш мақсадида олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш учун рухсатномалар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда берилади.

Ўзбекистон ҳайвонот дунёси объектларини олиб чиқиб кетиш учун тирик ҳайвонларни овлаш учун тўлов миқдорига мувофиқ ҳақ ундириш назарда тутилади:

- Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонот дунёси объектлари учун мазкур ёввойи ҳайвонни овлашга рухсатнома қийматининг 5 фоизи миқдорида;
- Бошқа ёввойи ҳайвонлар учун – мазкур ёввойи ҳайвонни овлашга рухсатнома қийматининг 3 фоизи миқдорида.

Ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг қисмлари, зоология коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, ўлжалар, тулумлар импорти учун тўлов ундирилмайди.

**КРАТКИЙ ОПРЕДЕЛИТЕЛЬ ЖИВОТНЫХ И РАСТЕНИЙ,
ВКЛЮЧЕННЫХ В ПРИЛОЖЕНИЯ CITES**

**CITES ИЛОВАЛАРИГА КИРИТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР
ВА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА АНИҚЛАГИЧИ**

ЖИВОТНЫЕ - ҲАЙВОНЛАР
ПОЗВОНОЧНЫЕ - УМУРТҚАЛИЛАР - VERTEBRATA
МЛЕКОПИТАЮЩИЕ - СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР - MAMMALIA

ПРИМАТЫ - ПРИМАТЛАР - PRIMATES

Приматы - один из наиболее прогрессивных отрядов плацентарных млекопитающих, включающий, в том числе, обезьян и человека. Отряд насчитывает более 400 видов обезьян. Большинство видов обитает в тропических или субтропических районах Северной и Южной Америки, Африки и Азии.

Все приматы являются объектами CITES. Объектами контрабанды являются главным образом мелкие и средние обезьяны, либо детеныши обезьян.

Приматлар – плацентали сүт эмизувчиларнинг шу жумладан маймунлар ва одамни ҳам ўз ичига оладиган энг прогрессив отрядларидан бири. Отрядга маймунларнинг 400 дан зиёд турлари киради. Турларнинг аксарияти Шимолий ва Жанубий Америка, Африка ва Осиёнинг тропик ёки субтропик ҳудудларида яшайди.

Барча приматлар CITES объектлари ҳисобланади. Контрабанда объектлари асосан майда ва ўртача катталикдаги маймунлар ёки маймунларнинг болаларидир.




*Голова павиана.
Павианнинг боши.*



*Голова мартышки.
Мартишканинг боши.*

ПРИМАТЫ - ПРИМАТЛАР - PRIMATES



Силуэты обезьян: мартышки (1), павианы (2), лемуров (3), лори (4), игрунки (5), гиббоны (6), шимпанзе (7).

Маймунларнинг силуэтлари: мартышка (1), павиан (2), лемур (3), лори (4), игрунок (5), гиббон (6), шимпанзе (7).

ЖИВОТНЫЕ - ҲАЙВОНЛАР
ПОЗВОНОЧНЫЕ - УМУРТҚАЛИЛАР - VERTEBRATA
ХИЩНЫЕ - ЙИРТҚИЧЛАР - CARNIVORA

ХИЩНЫЕ - ЙИРТҚИЧЛАР - CARNIVORA

Медвежьи – Ursidae

Тяньшанский бурый медведь,
Ursus arctos isabellinus Horsfield, 1826

В Узбекистане обитает подвид бурого медведя - тяньшанский бурый медведь или белокоготный медведь. Цвет шкуры медведя светло-коричневый, желтоватый, когти светлые.

Распространение: Западный Тянь-Шань, Западный Памир - Алай. Вне Узбекистана: страны Средней Азии, Казахстан, север Афганистана, Пакистана, Индии, Китай (Синцзянь), Непал.

Статус: 2(VU:R): Уязвимый, мозаично распространённый подвид, внесен в I Приложение CITES. Вид включен в Красные списки МСОП.

Объекты экспорта-импорта: Объектами экспорта являются шкура, когти, зубы, желчь. В качестве охотничьего трофея – череп медведя.

Добывание: охота запрещена, в исключительных случаях по решению Кабинета Министров Республики Узбекистан разрешение выдается Государственным комитетом по охране природы РУз.

Импорт-экспорт: На основании разрешения CITES установленного образца, выдаваемого Госбиоконтролем Госкомприроды РУз.

Кроме тяньшанского бурого медведя объектами торговли являются обыкновенный бурый медведь *Ursus arctos arctos* и гималайский, или белогрудый медведь *Ursus thibetanus*.

Айиқсимонлар – Ursidae

Тяньшань қўнғир айиғи,
Ursus arctos isabellinus Horsfield, 1826

Ўзбекистонда қўнғир айиқнинг кичик тури – тяньшань қўнғир айиғи ёки оқ тирноқли айиқ яшайди. Айиқ терисининг ранги оч жигарранг, сарғимтир, тирноқлари оқ рангда.

Тарқалган ҳудудлар: Ғарбий Тянь-Шань, Ғарбий Помир-Олой. Ўзбекистондан ташқарида: Ўрта Осиё мамлакатлари, Қозоғистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистоннинг шимоли, Хитой (Синцзянь), Непал.

Мақоми: 2(VU:R): Муҳофаза қилишга муҳтож, қурама кўринишда тарқалган кичик тур, CITES I Иловасига киритилган. Тур ТМҚХУ Қизил рўйхатига киритилган.

Экспорт-импорт объектлари: Экспорт объектлари ҳайвон териси, тирноқлари, тишлари, ўтпуфадир. Айиқнинг калла сўяги ўлжа сифатида олинади.

Овлаш: Овлаш тақиқланган, истисноли ҳолларда овлаш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

Импорт-экспорт: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган белгиланган намунадаги CITES рухсатномасига мувофиқ.

Тяньшань қўнғир айиғидан ташқари, оддий қўнғир айиқ *Ursus arctos arctos* ва ҳимолай айиғи ёки оқтўш айиқ *Ursus thibetanus* ҳам савдо объектлари ҳисобланади.

ХИЩНЫЕ - ЙИРТҚИЧЛАР - CARNIVORA



Тяньшанский бурый медведь.
Тяньшань қўнғир айиғи.



Обыкновенный бурый медведь.
Оддий қўнғир айиқ.



Гималайский медведь.
Ҳимолай айиғи.


ХИЩНЫЕ - ЙИРТҚИЧЛАР - CARNIVORA



Рисунки лап обыкновенного бурого (а) и белокоготного медведей (б) – у обыкновенного бурого медведя когти черные, а у белокоготного – светлые.

Оддий қўнғир айиқ оёғи (а) ва оқ тирноқли айиқ оёғи (б)нинг расмлари – оддий қўнғир айиқнинг тирноқлари қора, оқ тирноқли айиқнинг тирноқлари эса – оқ рангда.

ХИЩНЫЕ - ЙИРТҚИЧЛАР - CARNIVORA




ХИЩНЫЕ - ЙИРТҚИЧЛАР - CARNIVORA

Кошачьи – Felidae

Для всех диких кошек характерными признаками являются короткая морда, длинный хвост (кроме рыси). У некоторых кошачьих (каракал, рысь) на ушах кисточки. Как правило, все дикие кошки имеют хорошо выраженный рисунок. Все дикие взрослые кошки, как правило, больше домашних. Мелкие представители кошачьих Узбекистана (степная кошка и камышовый кот) на высоких ногах, а голова относительно тела не велика (по сравнению с домашними кошками). Туркестанская рысь – серого цвета, уши с кисточками, коротким хвостом. Исключением является кот манул, но у него очень характерная морда – широкая, с короткими ушами. Окрас светло-серый, пятнистый.

Все дикие кошки включены в Приложения CITES. Объектами экспорта всех кошачьих являются молодые, реже взрослые особи, шкуры, черепа, когти. Объектом импорта являются представители кошачьих иностранной фауны и их дериваты.

*Мушуксимонлар – Felidae*

Узбекистан является экспортером этого вида в страны Восточной Европы и СНГ, Америку. Однако существуют и нелегальные каналы сбыта этого вида. Контрабанда черепах осуществляется в мешках, сумках, в дверях автомашин, под сидениями и т.д. Как правило, у незаконно вывозимых черепах скочем, пластырем или изолентой завязаны ноги, чтобы они не шумели и не рвали тару. По закону черепах разрешено провозить в стандартной упаковке (см. ниже).


Экспорт-импорт объектами: тирик вакиллари, тухумлари.

Экспорт-импорт объектами тавсифи: катталиги 12 см гача бўлган ҳайвонлар.

Овлаш: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг квотасига кўра, тутишга рухсатнома овчилик ташкилотлари томонидан берилади.

Импорт-экспорт: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган рухсатномага мувофиқ.

Ўзбекистон мазкур турнинг Шарқий Европа ва МДХга, Америкага экспортчиси ҳисобланади. Аммо мазкур турни ўтказишнинг нолегал каналлари ҳам мавжуд. Тошбақалар контрабандаси қопларда, сумкаларда, автомашиналарнинг эшикларида, ўриндиқлар остида ва ҳоказоларда амалга оширилади. Қоида тариқасида, қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилаётган тошбақалар шовқин қилмаслиги ва идишни йиртмаслиги учун уларнинг оёқлари скотч, пластырь ёки изолента билан боғлаб қўйилади. Қонунга мувофиқ тошбақаларни стандарт ўрамда ташиш рухсат этилган (қуйида қаранг).



*Среднеазиатская степная черепаха
Ўрта осие чўл тошбақаси*

ЧЕШУЙЧАТЫЕ - ТАНГАЧАЛИЛАР - SQUAMATA

Из Узбекистана также вывозятся ящерицы (серый варан, сцинковый геккон, круглоголовки, агамы, желтопузики) и змеи (восточный и песчаный удавчики, среднеазиатская кобра, гюрза, полозы). Рептилии являются популярным объектом для содержания в неволе. Нелегально также вывозятся за рубеж яды змей (гюрзы, среднеазиатской кобры, песчаной эфы, щитомордника). Яды провозятся в высушенном виде (беловато-желтые кристаллы или порошок) и используются для изготовления лекарственных средств.

Гекконовые - Gekkonidae

*Сцинковый геккон,
Teratoscincus scincus (Schlegel, 1858)*

Внешний вид: Некрупная ящерица длиной около 10 см. Характерной особенностью сцинковых гекконов является крупная, широкая и высокая голова с тупой мордой и очень крупными нависающими глазами, которые ярко горят красным светом в темноте, что обычно используется при отлове этих ящериц. Покровы тела и хвоста очень нежны и легко повреждаются при прикосновении к ним.

Распространение: Встречается в пустынях Средней Азии и Южного Казахстана. В Узбекистане повсеместно в песчаных массивах равнинной части республики, реже на участках глинистых равнин.

Ўзбекистондан калтакесаклар (кулранг эчкемар, сцинк геккони, юмалоқбошлар, агамалар) ва илонлар (сарик илон, шарқ ва қум бўғма илонлари, ўрта осие кобраси, гюрза, чипор илон) ҳам олиб чиқиб кетилади. Рептилиялар тутқунликда сақлаш учун айниқса қулай объект ҳисобланади. Илон (гюрза, ўрта осие кобраси, қум эфаси, қалқонюз) захри ҳам чет элга нолегал тарзда олиб чиқиб кетилади. Заҳарлар қуритилган ҳолатда (оқиш-сарғимтир кристаллар ёки кукун кўринишида) олиб ўтилади ва дори воситаларини тайёрлаш учун ишлатилади.

Гекконсимонлар – Gekkonidae

*Сцинк геккони,
Teratoscincus scincus (Schlegel, 1858)*

Ташқи кўриниши: Узунлиги тахминан 10 см бўлган майда калтакесак. Сцинк гекконлари йирик, кенг ва баланд боши, тўмтоқ юзи ва ўта йирик, қоронғида қизил нур таратиб ёнадиган кўзлари билан ажралиб туради. Мазакур калтакесакларни тутишда одатда уларнинг сўнгги зикр этилган хусусиятидан фойдаланилади. Танаси ва думининг қопламаси ўта нозик, қаттиқ тегилганда осон шикастланади.

Тарқалган ҳудудлар: Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон саҳроларида учрайди. Ўзбекистонда республика ҳудудининг текислик қисмидаги қумликларда кенг тарқалган, гилли текисликлардан иборат қисмларида кам учрайди.

ЧЕШУЙЧАТЫЕ - ТАНГАЧАЛИЛАР - SQUAMATA

Статус: охотничье-промысловый вид.

Объекты экспорта-импорта: живые особи.

Характеристика объектов экспорта-импорта: животные размером до 12см.

Добывание: на основании квоты Госкомприроды РУз, разрешение на отлов выдается охотничьими организациями.

Импорт-экспорт: на основании разрешения, выдаваемого Госбиоконтролем Госкомприроды РУз.

Сцинковый геккон является популярным объектом для содержания в неволе. Существуют как государственные заготовки этого объекта, так и нелегальный промысел.

Мақоми: Овчилик-саноат мақсадларида қўпайтириладиган тур.


Экспорт-импорт объектлари: Тирик вакиллари.

Экспорт-импорт объектларининг тавсифи: катталиги 12 см гача бўлган ҳайвонлар.

Овлаш: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг квотасига кўра, тутишга рухсатнома овчилик ташкилотлари томонидан берилади.

Импорт-экспорт: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган рухсатномага мувофиқ.

Сцинк геккони тутқунликда сақлаш учун айниқса қулай объект ҳисобланади. Мазкур объектни давлат томонидан тайёрлаш ҳам, уни нолегал тарзда тайёрлаш ҳам мавжуд.



Сцинковый геккон
Сцинк геккони

ВАРАНОВЫЕ - ЭЧКЕМАРСИМОНЛАР - VARANIDAE

Серый варан,

Varanus griseus caspius (Eichwald, 1831).

Внешний вид: Крупнейшая ящерица фауны Средней Азии, достигает в длину до 1.5 м. Верхняя сторона тела у взрослых варанов окрашена в красновато-коричневый или сероватый цвет с многочисленными мелкими темными пятнами и крапинами. На верхней стороне шеи расположены 2-3 тёмные продольные полосы, которые обычно соединяются сзади, образуя подковообразный рисунок. На спине 5-8 поперечных тёмно-бурых полос, на хвосте - 13-19 поперечных полос, образующих кольца. Молодые вараны окрашены ярче, тёмные полосы у них тёмно-коричневые, почти чёрные, резко выделяющиеся на серовато-жёлтом общем фоне. Ноздря косая, щелевидная, расположена ближе к глазу, чем к концу морды.

Распространение: Равнины от Южного Приаралья до Ферганской долины. Вне Узбекистана: юг Средней Азии и Казахстана, Афганистан, Иран.

Статус: 2 (VU:D): Уязвимый, сокращающийся, мозаично распространённый подвид. Внесен во II Приложение CITES и Красные списки МСОП.

Объекты экспорта-импорта: живые особи, шкуры.

Бўз эчкемар,

Varanus griseus caspius (Eichwald, 1831).

Ташқи кўриниши: Ўрта Осиё фаунасининг энг йирик калтакесаги, узунлиги 1,5 м гача етади. Етилган эчкемар танасининг устки томони қизғиш-жигарранг ёки кулранг бўлиб, кўп сонли майда қора доғлар ва холлар билан қопланган. Бўйнининг юқори қисмида 2-3 та қора чизиқлар узунасига жойлашган бўлиб, улар одатда орқа томонда бирикади ва тақасимон нақш ҳосил қилади. Елкасида 5-8 та кўндаланг қорамтир-қўнғир чизиқлар, думида – ҳалқалар ҳосил қиладиган 13-19 да кўндаланг чизиқлар бор. Ёш эчкемарлар ранги ёрқинроқ бўлади, қорамтир чизиқлар уларда тўқ жигарранг, деярли қора ранг касб этади ва умумий кулранг-сарғимтир фонда ажралиб туради. Бурун тешиги қийшиқ, ёриқсимон, тумшугининг учидан кўра кўпроқ кўзига яқин жойлашган.

Тарқалган ҳудудлар: Жанубий Оролбўйидан Фарғона водийсига қадар бўлган текисликлар. Ўзбекистондан ташқарида: Ўрта Осиё ва Қозоғистон жануби, Афғонистон, Эрон.

Мақоми: 2 (VU:D): Муҳофаза қилишга муҳтож, қисқариб бораётган, қурама кўринишда тарқалган кичик тур. CITES II Иловасига ва ТМҚХУ Қизил рўйхатига киритилган.

Экспорт-импорт объектлари: тирик вакиллари, териси.

ВАРАНОВЫЕ - ЭЧКЕМАРСИМОНЛАР - VARANIDAE

Добывание: охота запрещена, в исключительных случаях по решению Кабинета Министров Республики Узбекистан разрешение выдается Государственным комитетом по охране природы РУз. Исключение – животные, добытые по разрешению Госбиоконтролем Госкомприроды РУз в Экоцентре «Джейран».

Импорт-экспорт: На основании разрешения CITES установленного образца, выдаваемого Госбиоконтролем Госкомприроды РУз.

Овлаш: Овлаш тақиқланган, истисноли ҳолларда овлаш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади. ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан берилган рухсатномага кўра «Жайрон» экомарказида тутилган ҳайвонлар бундан мустасно.

Импорт-экспорт: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган белгиланган намунадаги CITES рухсатномасига мувофиқ.



*Голова взрослого серого варана
Етилган бўз эчкемарнинг боши*



Молодой серый варан
Ёш бўз эчкемар



Взрослая особь серого варана
Етилган бўз эчкемар

УДАВЫ - БЎҒМА ИЛОНЛАР - BOIDAE

Восточный удавчик — *Eryx tataricus*
(Liechtenstein, 1823)

Песчаный удавчик — *Eryx miliaris*
(Pallas, 1773).

Оба вида являются объектами законного и незаконного импорта и используются на местном рынке. Это змеи средней величины, при этом восточный удавчик несколько крупнее песчаного, длина его тела около 1 м, в то время как у песчаного не более 70-75 см. Самки обоих видов крупнее самцов. Характерной особенностью удавчиков является тупой закругленный хвост. Лоб и верхняя поверхность морды более или менее плоские или слегка выпуклые. Голова не отграничена от шеи. Глаза восточного удавчика обращены вбок и немного вверх. Глаза песчаного удавчика обращены строго вверх.

Оба вида удавчиков являются охотничье-промысловыми и внесены во II Приложение CITES. Их заготавливают для содержания в неволе. Существуют как их государственные заготовки, так и нелегальный промысел. Известно также, что удавчиков используют для нетрадиционной медицины.

Шарқ бўғма илони — *Eryx tataricus*
(Liechtenstein, 1823)

Қум бўғма илони — *Eryx miliaris* (Pallas,
1773).

Иккала тур ҳам қонуний ва қонунга ҳилоф импорт объектлари ҳисобланади ва улардан маҳаллий бозорда фойдаланилади. Улар ўртача катталиқдаги илонлардир, бунда шарқ бўғма илони қум бўғма илонидан биров йирикроқ, унинг танаси узунлиги тахминан 1 м, қум бўғма илони танасининг узунлиги эса 70-75 см дан ошмайди. Иккала турнинг урғочилари эркакларидан йирикроқ. Бўғма илонлар думининг учи тўмтоқлиги билан ажралиб туради. Пешонаси ва тумшугининг юқори юзаси озми-кўпми ясси ёки хиёл бўртиқ. Боши бўйнидан ажралиб турмайди. Шарқ бўғма илонининг кўзлари ён томонга ва биров тепага қараган. Қум бўғма илонининг кўзлари тепага қараган.

Бўғма илонларнинг иккала тури ҳам овчилик-саноат мақсадларида кўпайтириладиган турлар жумласига киради ва CITES II Иловасига киритилган. Уларни тутқунликда сақлаш учун тайёрлайдилар. Мазкур объектларни давлат томонидан тайёрлаш ҳам, уларни нолегал тарзда тайёрлаш ҳам мавжуд. Бўғма илонлардан халқ табобатида фойдаланиши ҳам маълум.

УДАВЫ - БЎҒМА ИЛОНЛАР - BOIDAE




Рисунок головы песчаного (а) и восточного (б) удавчиков. От восточного удавчика песчаный отличается направленными строго вверх глазами
Қум бўғма илони (а) ва шарқ бўғма илони (б)нинг бошлари. Қум бўғма илони шарқ бўғма илонидан тепага қараган кўзлари билан ажралиб туради

УДАВЫ - БЎҒМА ИЛОНЛАР - BOIDAE

Удавы - Boidae

Питоны являются популярным объектом зооэкспорта. Тигровый питон, *Python molurus Linnaeus, 1758* - крупная неядовитая змея из рода настоящих питонов. Длина тела может достигать от 1,5 до 4 м и более. Окраска изменчива. На теле по светлому желтовато-коричневому или желтовато-оливковому фону разбросаны крупные тёмно-коричневые пятна различной формы, образующие сложный узор. Через глаз проходит тёмная полоса, начинающаяся от ноздрей и переходящая в пятна на шее. Другая полоса идёт от глаза вниз и проходит по верхнегубным щиткам. На верхней части головы — тёмное стрелообразное пятно.

Обитает в Южной и Юго-Восточной Азии. Тигровый питон - одна из наиболее популярных змей, содержащихся в неволе. В Узбекистан питоны ввозятся для содержания в зоопарках, частных коллекциях и цирках. Разные подвиды внесены в I и II Приложение CITES.

БЎҒМА ИЛОНЛАР - BOIDAE

Питонлар зооэкспортнинг айниқса кўп учрайдиган объекти ҳисобланади. Йўлбарснамо питон, *Python molurus Linnaeus, 1758* – ҳақиқий питонлар туркумига мансуб йирик заҳарсиз илон. Танасининг узунлиги 1,5 дан 4 м гача етиши ва ундан ошиши ҳам мумкин. Ўзгарувчан тусли. Танасида сарғимтир-жигарранг ёки сарғиш-кўкимтир фон бўйлаб ҳар хил шаклдаги йирик қорамтир-жигарранг доғлар жойлашган бўлиб, улар мураккаб нақш ҳосил қилади. Кўзи орқали бурун тешикларидан бошладиган ва бўйнидаги доғлар билан қўшилиб кетадиган қорамтир чизиқ ўтади. Бошқа бир чизиқ кўзидан пастга қараб кетади ва устки лабининг қалқончалари бўйлаб ўтади. Бошининг тепа қисмида қорамтир ўқсимон доғ бор.

Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда яшайди. Йўлбарснамо питон тутқунликда сақлаш айниқса расм бўлган илонлардан бири. Ўзбекистонга питонлар ҳайвонот боғларида, шахсий коллекцияларда ва циркларда сақлаш учун олиб кирилади. Турли кичик турлари CITES I ва II Иловаларига киритилган.

УДАВЫ - БЎҒМА ИЛОНЛАР - BOIDAE



Восточный удавчик
Шарқ бўғма илони



Тигровый питон
Йўлбарснамо питон

АСПИДЫ - АСПИДЛАР - ELAPIDAE

**Среднеазиатская кобра, *Naja oxiana*
(Eichwald, 1831).**

Внешний вид: Крупная змея, длина туловища с хвостом которой достигает обычно 160-180 см. Зрачок круглый. Чешуя гладкая. Окраска верхней стороны тела от светло- до черно-коричневой. Брюхо желтоватое.

Распространение: Западный Памиро-Алай, Центральные и Южные Кызылкумы, Каршинская степь. Вне Узбекистана: юг Туркменистана, Таджикистан, север Ирана, Афганистана, Пакистана, Индии.

Статус: 3 (NT): Близкий к уязвимым, мозаично распространённый вид. Внесён в Красную книгу Узбекистана, Красный список МСОП и II Приложение CITES.

Объекты экспорта-импорта: живые особи, яд.

Добывание: отлов запрещен, в исключительных случаях по решению Кабинета Министров Республики Узбекистан разрешение выдается Государственным комитетом по охране природы РУз. Исключение – животные, добытые по разрешению Госбиоконтролем Госкомприроды РУз в Экоцентре «Джейран».

Импорт-экспорт: На основании разрешения CITES установленного образца, выдаваемого Госбиоконтролем Госкомприроды РУз.

**Ўрта осиё кобраси, *Naja oxiana*
(Eichwald, 1831).**

Ташқи кўриниши: Йирик илон, танасининг узунлиги дум билан бирга одатда 160-180 см га етади. Кўз қорачиғи юмалоқ. Тангалари силлиқ. Танасининг юқори томони оч жигарранг ёки қорамтир-жигарранг. Қорни сарғимтир.

Тарқалган ҳудудлар: Ғарбий Помир-Олой, Марказий ва Жанубий Қизилқум, Қарши чўли. Ўзбекистондан ташқарида: Туркменистон жануби, Тожикистон, Эрон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон шимоли.

Мақоми: 3 (NT): Муҳофаза қилишга муҳтож, қурама кўринишда тарқалган тур. Ўзбекистон Қизил китобига, ТМҚХУ Қизил рўйхатига ва CITES II Иловасига киритилган.

Экспорт-импорт объектлари: тирик вакиллари, заҳари.

Овлаш: Овлаш тақиқланган, истисноли ҳолларда овлаш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади. ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан берилган рухсатномага кўра «Жайрон» экомарказида тутилган ҳайвонлар бундан мустасно.

Импорт-экспорт: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган белгиланган намунадаги CITES рухсатномасига мувофиқ.



Среднеазиатская кобра
Ўрта осий кобраси

ГАДЮКИ - ҚОРА ИЛОНЛАР - VIPERIDAE

*Среднеазиатская эфа,
Echis multisquamatus Cherlin, 1981*

Внешний вид: Длина тела с хвостом достигает 87 см, обычно значительно мельче. Голова очень крупная, резко обозначен шейный перехват. Морда закругленная. Чешуя спины с резко выступающими ребрышками. Сверху окраска серовато-коричневая, светло-желто-песочная. На голове светлый крестообразный рисунок. По телу с каждой стороны проходит по одной белой зигзагообразной полосе. Сверху поперек спины идут беловатые вытянутые пятна, расположенные между вершинами зигзагообразных полос.

Распространение: Пустыни Туркмении, Узбекистана, юго-западного Таджикистана, Афганистана и восточного Ирана.

Статус: охотничье-промысловый вид, внесен во II Приложение CITES. Объекты экспорта-импорта: живые особи, яд.

Характеристика объектов экспорта-импорта: животные размером до 12см.

Добывание: на основании квоты Госкомприроды РУз, разрешение на отлов выдается охотничьими организациями.

Импорт-экспорт: на основании разрешения, выдаваемого Госбиоконтролем Госкомприроды РУз.

*Қум чархилони,
Echis multisquamatus Cherlin, 1981*

Ташқи кўриниши: Танасининг узунлиги думи билан бирга 87 см га етади, одатда анча майда бўлади. Боши жуда йирик, бўйин қисми алоҳида ажралиб туради. Тумшуғи юмалоқ. Елкасининг тангалари бўртиб чиқиб турадиган қовурғачалар билан. Тепа томони кулранг-жигарранг, оч сарғиш-қумранг. Бошида оч хочсимон нақш бор. Танаси бўйлаб иккала томондан биттадан оқ илонизи чизиқ ўтади. Устидан елкаси бўйлаб чўзинчоқ оқиш кўндаланг чизиқлар ўтади, улар илонизи чизиқларнинг чўққилари ўртасида жойлашган.

Тарқалган ҳудудлар: Туркменистон, Ўзбекистон, жануби-ғарбий Тожикистон, Афғонистон ва шарқий Эрон чўллари. Мақоми: Овчилик-саноат мақсадларида кўпайтириладиган тур, CITES II Иловасига киритилган.

Экспорт-импорт объектлари: тирик вакиллари, заҳари.

Экспорт-импорт объектларининг тавсифи: катталиги 12 см гача бўлган ҳайвонлар.

Овлаш: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг квотасига кўра, тутишга рухсатнома овчилик ташкилотлари томонидан берилади.

Импорт-экспорт: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган рухсатномага мувофиқ.

РЕПТИЛИИ - СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР - REPTILIA

Очень опасная, ядовитая змея. Укусы представляют большую опасность для домашних животных и человека. Среди ядов гадюковых змей яд эфы известен как один из самых токсичных, с самым резко выраженным гемофилическим эффектом действия. Он резко снижает уровень фибриногена в крови, что вызывает обильные кровотечения в районе укуса, из слизистых оболочек глаз, носа и рта. Кровоизлияния во внутренние органы тоже имеют резко выраженный характер.

Ўта хавfli, заҳарли илон. Чақса, уй ҳайвонлари ва одам ҳаётига катта хавф тўғдиради. Қора илонларнинг заҳарлари орасида эфа заҳари гемофилик таъсири айниқса кучли бўлган заҳарлар жумласига киради. У қонда фибриноген даражасини кескин камайтиради ва бу илон чаққан жойдан, кўз, бурун ва оғизнинг шиллиқ пардаларидан кўп миқдорда қон кетишига сабаб бўлади. Ички органларга қон қуйилиши ҳам жуда кучли хусусият касб этади.



Среднеазиатская эфа
Қум чархилони

РЕПТИЛИИ - СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР - REPTILIA

Гюрза, *Vipera lebetina* (Linnaeus, 1758).

Внешний вид: Самый крупный вид рода Гадюк, отдельные экземпляры достигают длины тела с хвостом 200 см и массы до 3 кг, обычно мельче — до 160 см. Голова очень крупная, широкая, морда округлая, зрачок глаза вертикальный. Верхняя поверхность головы покрыта ребристой чешуей, лишь чешуйки кончика морды без ребрышек. Надглазничных щитков нет. Окраска верхней стороны тела серовато-коричневая.

Распространение: Юг Узбекистана, Юг Казахстана, Туркменистан, Западный Таджикистан, Сирия, Палестина, Аравийский полуостров, Иран, Ирак, Турция, Афганистан, западный Пакистан и северо-западная Индия.

Статус: охотничье-промысловый вид, внесен во II Приложение CITES.
Объекты экспорта-импорта: живые особи, яд.

Характеристика объектов экспорта-импорта: животные размером до 12 см.

Добывание: на основании квоты Госкомприроды РУз, разрешение на охоту выдается охотничьими организациями.

Импорт-экспорт: на основании разрешения, выдаваемого Госбиоконтролем Госкомприроды РУз.

Кўлвор илон, *Vipera lebetina* (Linnaeus, 1758).

Ташқи кўриниши: Қора илонлар туркумига мансуб энг йирик тур, айрим нусхалари танасининг узунлиги думи билан бирга 200 см гача, вазни 3 кг гача етади, одатда майдароқ — 160 см гача. Боши жуда йирик, кенг, тумшуги юмалоқ, кўз қорачиғи вертикал. Бошининг усти қовурғасимон тангачалар билан қопланган, фақат тумшугининг уч қисмидаги тангачалар қовурғаларсиз. Кўзларининг тепасида қалқончалар йўқ. Танасининг тепа томони кулранг-жигарранг.

Тарқалган ҳудудлар: Ўзбекистон жануби, Қозоғистон, Туркменистон жануби, Ғарбий Тожикистон, Сурия, Фаластин, Арабистон яримороти, Эрон, Ироқ, Туркия, Афғонистон, ғарбий Покистон ва шимоли-ғарбий Ҳиндистон.

Мақоми: Овчилик-саноат мақсадларида кўпайтириладиган тур, CITES II Иловасига киритилган.

Экспорт-импорт объектлари: тирик вакиллари, заҳари.

Экспорт-импорт объектларининг тавсифи: катталиги 12 см гача бўлган ҳайвонлар.

Овлаш: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг квотасига кўра, тутишга рухсатнома овчилик ташкилотлари томонидан берилади.

Импорт-экспорт: ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган рухсатномага мувофиқ.

РЕПТИЛИИ - СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР - REPTILIA

Очень опасная ядовитая змея, после ее укуса домашние животные и люди тяжело болеют и нередко погибают. Яд резко выраженного гемолитического действия (воздействует на кровь и кроветворные органы).

Наряду с коброй, гюрза и в меньшей мере эфа являются основными ядопродуцентами, от них получают яд для нужд фармакологии и медицины. Наряду с законной добычей змей для содержания их в питомниках, зоопарках и использования для добычи яда, существует теневой бизнес по незаконной торговле этими животными, ядом и его производными.

Ўта хавфли, заҳарли илон. Чақса, уй ҳайвонлари ва одамлар оғир касалликка йўлиқадилар ва баъзан ҳалок бўладилар. Заҳари гемофилик таъсири айниқса кучли бўлган заҳарлар жумласига киради (қонга ва қон яратувчи органларга таъсир кўрсатади).

Кобра билан бир қаторда, Қўлвор илон ва камроқ даражада қум чархилони асосий заҳар манбалари ҳисобланади, улардан фармакология ва тиббиёт учун зарур бўлган заҳар олинади. Илонларни парваришхоналар, ҳайвонот боғларида сақлаш ва улардан заҳар олиш мақсадида фойдаланиш учун уларни қонуний тутиш билан бир қаторда, мазкур ҳайвонлар, заҳар ва унинг ҳосилалари билан қонунга ҳилоф равишда савдо қилиш бўйича хуфёна бизнес мавжуд.



Гюрза
Қўлвор илон


КРОКОДИЛЫ - ТИМСОҲЛАР - CROCODILIA

Крокодилы

Объектами зооимпорта являются все представители семейства крокодилов. Везутся, как правило, молодые особи. Все крокодилы имеют общие черты

Тимсоҳлар

Зооимпорт объектлари орасида тимсоҳлар ҳам бор (асосан унча катта бўлмаган тимсоҳлар – кайманлар).



*Силуэт крокодила
Тимсоҳнинг силуети*



ЖИВОТНЫЕ - ҲАЙВОНЛАР
ПОЗВОНОЧНЫЕ - УМУРТҚАЛИЛАР - VERTEBRATA
РЫБЫ - БАЛИҚЛАР - PISCES

ОСЕТРООБРАЗНЫЕ - ОСЁТРСИМОНЛАР - ACIPENSERIFORMES

Осетровые - Acipenseridae


В Узбекистане обитает три вида осетровых - лопатоносы. Так же в Узбекистан завозится икра, личинки, реже мальки ценных осетровых рыб с целью разведения в прудовых хозяйствах.

Тело осетровых удлинённо-веретенообразной формы, с пятью рядами костных образований - жучек: два брюшных, два грудных, один спинной. Рыло удлинённой формы, с четырьмя усиками. Спинной плавник один, хвостовой плавник неравнолопастный. Осетровые хорошо узнаваемы даже в разделанном виде (потрошенные, нарезанные кусками и т.д.).

Осётр балиқлари – Acipenseridae

Ўзбекистонда осётр балиқларининг уч тури – куракбурунлар яшайди. Шунингдек Ўзбекистонга ноёб осётр балиқларининг увилдириғи, личинкалари, баъзан эндигина тухумдан чиққан балиқчалари кўл хўжаликларида кўпайтириш мақсадида олиб кирилади.

Осётр балиқларининг танаси чўзинчоқ-дуксимон шаклда, беш қатор кичкина суяклар: иккита қорин, иккита кўкрак, битта елка суякларидан иборат бўлади. Тумшуғи чўзинчоқ шаклда, тўртта мўйловчаси бор. Елка сузгичи битта, дум сузгичи нотекис парракли. Осётр балиқларини ҳатто нимталанган (ичак-чавоғи чиқарилган, бўлакланган ва ҳ.к.) кўринишда ҳам осонгина таниб олиш мумкин.



Общий вид осетровых

Осётр балиғининг умумий кўриниши

ОСЕТРООБРАЗНЫЕ - ОСЁТРСИМОНЛАР - ACIPENSERIFORMES

Малый амударьинский лжелопатонос,
Pseudoscaphirhynchus hermanni
 (Kessler, 1877)

Статус: 1(CR): Находящийся на грани полного исчезновения амударьинский эндемичный реликтовый вид. Внесён в Красный список МСОП и II Приложение CITES.

Распространение: Сохранился в бассейне р. Амударья в пределах Бухарской, Сурхандарьинской обл. Вне Узбекистана: Туркменистан.

Добывание: отлов запрещен, в исключительных случаях по решению Кабинета Министров Республики Узбекистан разрешение выдается Государственным комитетом по охране природы РУз.

Импорт-экспорт: На основании разрешения CITES установленного образца, выдаваемого Госбиоконтролем Госкомприроды РУз.

Амударё кичик куракбуруни,
Pseudoscaphirhynchus hermanni
 (Kessler, 1877)

Мақоми: 1(CR): Бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турган амударё ноёб эндемик тури. ТМҚХУ Қизил рўйхатига ва CITES II Иловасига киритилган.

Тарқалган ҳудудлар: Амударё ҳавзасида Бухоро, Сурхондарё вилоятлари доирасида сақланиб қолган. Ўзбекистондан ташқарида: Туркменистон.

Овлаш: Овлаш тақиқланган, истисноли ҳолларда овлаш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ЎЗР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

Импорт-экспорт: ЎЗР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган белгиланган намунадаги CITES рухсатномасига мувофиқ.



Малый амударьинский лжелопатонос
 Амударё кичик куракбуруни

ОСЕТРООБРАЗНЫЕ - ОСЁТРСИМОНЛАР - ACIPENSERIFORMES

**Большой амударьинский
лжелопатонос, *Pseudoscaphirhynchus
kaufmanni* (Bogdanow, 1874)**

Статус: 1(CR): Находящийся на грани полного исчезновения, амударьинский эндемичный реликтовый вид. Внесён в Красный список МСОП и II Приложение CITES.

Распространение: Сохранился в бассейне р. Амударья в пределах Хорезмской, Бухарской, Сурхандарьинской обл. Вне Узбекистана: Таджикистан, Туркменистан.

Добывание: отлов запрещен, в исключительных случаях по решению Кабинета Министров Республики Узбекистан разрешение выдается Государственным комитетом по охране природы РУз.

Импорт-экспорт: На основании разрешения CITES установленного образца, выдаваемого Госбиоконтролем Госкомприроды РУз.


**Катта амударё куракбуруни,
Pseudoscaphirhynchus kaufmanni
(Bogdanow, 1874)**

Мақоми: 1(CR): Бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турган амударё ноёб эндемик тури. ТМҚХУ Қизил рўйхатига ва CITES II Иловасига киритилган.

Тарқалган ҳудудлар: Амударё ҳавзасида Хоразм, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари доирасида сақланиб қолган. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон, Туркменистон.

Овлаш: Овлаш тақиқланган, истисноли ҳолларда овлаш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ЎЗР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

Импорт-экспорт: ЎЗР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган белгиланган намунадаги CITES рухсатномасига мувофиқ.



Большой амударьинский лжелопатонос
Катта амударё куракбуруни

ОСЕТРООБРАЗНЫЕ - ОСЁТРСИМОНЛАР - ACIPENSERIFORMES

Сырдарьинский лжелопатонос
Pseudoscaphirhynchus fedtschenko
 (Kessler, 1872)

Статус: 1(CR): Находящийся на грани полного исчезновения, сырдарьинский эндемичный реликтовый вид. Внесён в Красный список МСОП и II Приложение CITES.

Распространение: Сохранился в бассейне р. Сырдарья.

Добывание: отлов запрещен, в исключительных случаях по решению Кабинета Министров Республики Узбекистан разрешение выдается Государственным комитетом по охране природы РУз.

Импорт-экспорт: На основании разрешения CITES установленного образца, выдаваемого Госбиоконтролем Госкомприроды РУз.


Сирдарё куракбуруни,
Pseudoscaphirhynchus fedtschenko
 (Kessler, 1872)

Мақоми: 1(CR): Бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турган сирдарё ноёб эндемик тури. ТМҚХУ Қизил рўйхатига ва CITES II Иловасига киритилган.

Тарқалган ҳудудлар: Сирдарё ҳавзасида сақланиб қолган.

Овлаш: Овлаш тақиқланган, истисноли ҳолларда овлаш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ЎЗР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

Импорт-экспорт: ЎЗР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган белгиланган намунадаги CITES рухсатномасига мувофиқ.



Сырдарьинский лжелопатонос
 Сирдарё куракбуруни

ЖИВОТНЫЕ - ҲАЙВОНЛАР
БЕСПОЗВОНОЧНЫЕ - УМУРТҚАСИЗЛАР - INVERTEBRATA

КОЛЬЧАТЫЕ ЧЕРВИ, АННЕЛИДЫ - ҚОЗИҚСИМОН ҚУРТЛАР, АННЕЛИДЛАР - ANNELIDA

Пиявки - Hirudinea

Пиявка медицинская, *Hirudo medicinalis* Linnaeus, 1758 - паразит, питающийся кровью человека и животных, полезные свойства которого известны людям с древнейших времён. Имеет округлое, сплющенное в спинно-брюшном направлении тело с двумя присосками на заднем и переднем концах, в центре передней присоски расположено ротовое отверстие.

Распространение: В диком виде медицинская пиявка встречается в природе Узбекистана в водоёмах бассейнов рек Амударья, Сырдарья, Зарафшан. Вне Узбекистана: Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан, Средняя и Южная Европа, Закавказье, Турция, юг Восточной Сибири.

Статус: Внесена в Красную книгу Узбекистана со статусом 2 (VU:D): Уязвимый, сокращающийся, мозаично распространенный вид. Красные списки МСОП и II Приложение CITES.

Добывание: отлов запрещен, в исключительных случаях по решению Кабинета Министров Республики Узбекистан разрешение выдается Государственным комитетом по охране природы РУз.

Импорт-экспорт: На основании разрешения CITES установленного образца, выдаваемого Госбиоконтролем Госкомприроды РУз.

Зулуклар – Hirudinea

Тиббиёт зулуги, *Hirudo medicinalis* Linnaeus, 1758 – одам ва ҳайвонлар қони билан озиқланадиган, фойдали хоссалари одамларга қадим замонлардан бери маълум бўлган паразит. Танаси юмалоқ, елка-қорин йўналишида япалоқ, олд ва орқа учларида иккита сўргичи бор, олд сўргичининг марказида оғиз тешиги жойлашган.

Тарқалган ҳудудлар: Ёввойи кўринишда тиббиёт зулуги Ўзбекистон табиатида Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари ҳавзаларининг сув ҳавзаларида учрайди.

Ўзбекистондан ташқарида: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўрта ва Жанубий Европа, Кавказorti, Туркия, Шарқий Сибирь жануби.

Мақоми: Ўзбекистон Қизил китобига 2 (VU:D) мақоми билан киритилган: Муҳофаза қилишга муҳтож, қисқариб бораётган, қурама кўринишда тарқалган тур. ТМҚХУ Қизил рўйхати ва CITES II Иловасига киритилган.

Овлаш: Овлаш тақиқланган, истисноли ҳолларда овлаш учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ЎЗР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

Импорт-экспорт: ЎЗР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатбионазорати томонидан бериладиган белгиланган намунадаги CITES рухсатномасига мувофиқ.



Медицинская пиявка
Тиббиёт зулуги

МОЛЛЮСКИ - МОЛЛЮСКЛАР - MOLLUSCA

Брюхоногие моллюски - Gastropoda

Улитки рода ахатина, *Achatina* относится к семейству наземных брюхоногих моллюсков. В природе существует около 100 видов этих улиток, которые изначально были распространены только в Африке. В природе вид, является вредителем сельскохозяйственных растений, особенно сахарного тростника. Часто содержатся у условиях террариумов в качестве домашних животных. Гигантская ахатина (*Achatina fulica*) - это один из самых крупных сухопутных моллюсков. Размеры раковины отдельных экземпляров могут достигать 20 см, а вес до полукилограмма.

Қориноёқли моллюсклар – Gastropoda

Ахатина туркумига мансуб шиллиққуртлар, *Achatina* ер усти қориноёқли моллюсклар оиласига кирadi. Табиатда бундай шиллиққуртларнинг юзга яқин турлари мавжуд бўлиб, улар даставвал фақат Африкада тарқалган. Табиатда турқишлоқ хўжалик ўсимликлари, айниқса шакарқамиш зараркунандаси ҳисобланади. Кўпинча террариумлар шароитида уй ҳайвонлари сифатида сақланади. Улкан ахатина (*Achatina fulica*) – бу энг йирик қуруқлик моллюскларидан бири. Айрим нусхалари чиғаноғининг ўлчамлари 20 см га, вазни эса ярим килограммгача етиши мумкин.



Внешний вид улиток ахатин

Ахатина шиллиққуртларининг ташқи кўриниши

ЧЛЕНИСТОНОГИЕ - БЎҒИМОЁҚЛИЛАР - ARTHROPODA

**Паукообразные, арахниды -
Arachnida**

Пауки (Araneae), скорпионы (Scorpiones). Вывозится главным образом их яд (в запаянных ампулах, представляет собой мелкий кристаллический порошок белого или желтоватого цвета). Некоторые виды используются для содержания в террариуме.

Паук птицеед принадлежит к семейству пауков Theraphosidae из подотряда мигаломорфных. Взрослые особи характеризуются крупными размерами, в некоторых случаях превышая 20 см в размахе ног. Широко распространено использование птицеедов в качестве экзотических домашних животных.

**Ўргимчаксимонлар, арахнидлар –
Arachnida**

Ўргимчаклар (Araneae), чаёнлар (Scorpiones). Асосан уларнинг заҳари олиб чиқиб кетилади (кавшарланган ампулаларда, оқ ёки сарғиш рангли майда кристаллсимон кукундан иборат). Айрим турларидан террариумда сақлаш учун фойдаланилади.

Қушхўр ўргимчак мигаломорфлар кичик отрядига мансуб Theraphosidae ўргимчаклари оиласига киради. Етилган вакиллари ўлчамларининг йириклиги билан тавсифланади, айрим ҳолларда ёзилган оёқларининг оралиғи 20 см дан ошади. Қушхўр ўргимчаклардан экзотик уй ҳайвонлари сифатида фойдаланиш кенг тарқалган.



Черный каракурт
Қорақурт

ЧЛЕНИСТОНОГИЕ - БЎҒИМОЁҚЛИЛАР - ARTHROPODA



Белый скорпион
Оқ чаён



Паук птицеед
Қушхўр ўргимчак

ЧЕШУЕКРЫЛЫЕ, ИЛИ БАБОЧКИ - ТАНҒАҚАНОТЛИЛАР ЁКИ КАПАЛАКЛАР - LEPIDOPTERA

Бабочки завозятся главным образом в виде коконов, реже взрослых особей (упакованные в коробочки).

Капалаклар асосан пиллалар кўринишида, баъзан етилган вакиллари (қутиларга жойланган ҳолда) олиб кирилади.

Орнитоптеры (птицекрылки, птицекрылы) — собирательное название крупных тропических бабочек трёх родов *Ornithoptera*, *Trogonoptera* и *Troides* из семейства парусников (*Papilionidae*), распространённых в Южной Азии и Австралии. Орнитоптеры отличаются большими размерами (максимальная длина тела бабочек — до 8 см, размах крыльев — до 28 см), яркой, контрастной окраской (различные сочетания зелёного, жёлтого, чёрного, белого, иногда синего и оранжевого цветов), а также узкой ланцетовидной формой передних крыльев.

Орнитоптералар (қушқанотлилар) — елканқанотлилар (*Papilionidae*) оиласига мансуб бўлган, Жанубий Осиё ва Австралияда кенг тарқалган уч туркум — *Ornithoptera*, *Trogonoptera* ва *Troides* йирик тропик капалакларининг йиғма номи. Орнитоптералар ўлчамларининг катталиги (капалаклар танасининг максимал узунлиги — 8 см гача, қанотларининг ёйилган ҳолатдаги кенглиги — 28 см гача), ёрқин, контраст туси (яшил, сариқ, оқ, баъзан кўк ва тўқ сариқ рангларнинг турли хил бирикмалари), шунингдек олд қанотларининг тор ланцетсимон шакли билан ажралиб туради.



Трогоноптера Брука
Брук трогоноптераси
(*Trogonoptera brookiana*)



Орнитоптера приам
Орнитоптера приам
(*Ornithoptera priamus*)



Орнитоптера Александры
Александра орнитоптералари
(*Ornithoptera alexandrae*)

ЧЕШУЕКРЫЛЫЕ, ИЛИ БАБОЧКИ - ТАНҒАҚАНОТЛИЛАР ЁКИ КАПАЛАКЛАР - LEPIDOPTERA

Аполлон (*Parnassius apollo*)

Дневная бабочка семейства Парусники. Длина переднего крыла: 34 — 44 мм. Размах крыльев 65 — 90 мм. Населяет Горные массивы Европы, Южной Скандинавии, Норвегии, Швеции, Финляндии, Франции, Центральной Испании, Украины, средней полосы России, юг Урала и Западной Сибири, Кавказа и Закавказья, Турции, Южной Сибири, Восточного Казахстана, Северного Тянь-Шаня, Монголии.

В Узбекистане обитает Аполлон тянь-шанский (*Parnassius tianschianicus*). Это довольно крупная бабочка. Длина переднего крыла 35—42 мм.

Населяет высокогорные хребты Памиро-Алая и Тянь-Шаня. Ареал характеризуется разорванностью: в целом простирается от Туркестанского, Зеравшанского и Гиссарского хребтов через Тянь-Шань до Джунгарского Алатау и Саура.

Населяет предгорные и горные долины на высотах от 1200 до 4300 м. над ур. м. В Памиро-Алае встречается на высотах 2300 - 4200 м, а в верховьях реки Или ниже - на 1200-3600 м. Характерные местообитания этого вида - это выходы скальной породы и каменистые обрывы с близко расположенной низкотравной растительностью или склонами, поросшими арчовниками, полынью и злаками.



Аполлон тянь-шанский
Тян-шан Аполлони

Аполлон (*Parnassius apollo*)

Елканқанотлилар оиласига мансуб кундузги капалак. Олд қанотининг узунлиги: 34 — 44 мм. Қанотларининг ёйилган ҳолатдаги кенлиги 65 — 90 мм. Европа, Жанубий Скандинавия, Норвегия, Швеция, Финляндия, Франция, Марказий Испания, Украинанинг тоғли ҳудудларида, Россиянинг ўрта минтақаларида, Урал ва Ғарбий Сибирь, Кавказ ва Кавказorti, Туркия, Жанубий Сибирь, Шарқий Қозоғистон, Шимолий Тянь-Шань, Монголия жанубида яшайди.

Ўзбекистонда Тянь-шань Аполлони (*Parnassius tianschianicus*) яшайди. Бу анча йирик капалак. Олд қанотининг узунлиги 35—42 мм. Помир-Олой ва Тянь-Шаннинг баланд тизма тоғларида яшайди. Ареали узук-юлуклик билан тавсифланади: умуман олганда Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизма тоғларидан Тянь-Шань орқали Жунгар Олатови ва Саурагача бўлган ҳудудларни қамраб олади.

Тоғ олди ва тоғ воҳаларида, денгиз сатҳидан 1200 м дан 4300 м гача баландликда яшайди. Помир-Олойда 2300 - 4200 м баландликда, дарёнинг бошланиш ёки қуйи қисмларида эса — 1200-3600 м баландликда учрайди. Ушбу турга хос бўлган яшаш жойлари — ўт-ўланлар ўсган ерлар яқинидаги қоятошлар ва тошлоқ жарлар ёки арчазорлар, шувоқ ўти ва донли экинлар билан қопланган тоғ ёнбағирлари.



Аполлон

РАСТЕНИЯ - ЎСИМЛИКЛАР

**Солодка голая, или лакрица,
(*Glycyrrhiza glabra*)**

Используется в медицине при лечении заболеваний дыхательных путей. Обладает муколитическим (разжижающим мокроту) и противокашлевым действием.

Корни солодки, заготовленные и готовые к транспортировке. В таком виде их перевозят с места заготовки на переработку.



**Яланғоч қизилмия ёки лакрица
(*Glycyrrhiza glabra*)**

Тиббиётда нафас йўллари касалликларини даволашда фойдаланилади. Муколитик (балғамни пиширадиган) ва йўталга қарши таъсирга эга.

Тайёрланган ва ташиш учун шайланган қизилмия илдизлари. Бундай кўринишда уларни тайёрлаш жойидан қайта ишлаш жойига ташийдилар.



Солодка голая – общий вид, вид корней, экстракта, вид упаковки солодки при транспортировке.

Яланғоч қизилмия – умумий кўриниши, илдизлари, экстрактининг кўриниши, транспортда ташиш учун қизилмия ўрамининг кўриниши.

**Каперсы - нераспустившиеся цветочные
бутоны и плоды растения каперсы
колючие (*Capparis spinosa*)**

Употребляются в пищу. Объектом
экспорта являются бутоны.

**Кавар – тиканли кавар ўсимлиги
гулининг очилмаган ғунчалари ва
мевалари (*Capparis spinosa*).**

Овқатга ишлатилади. ғунчалари экспорт
объекти ҳисобланади.



*Цветы каперса
Кавар гуллари*



*Бутоны каперсов – объект
заготовки и экспорта
Кавар ғунчалари – тайёрлаш
ва экспорт объекти*



*Плоды каперсов
Кавар мевалари*

**Ферула вонючая, или асафетида,
*Ferula assafoetida***

Многолетнее травянистое растение; вид рода Ферула семейства Зонтичные (Apiaceae).

Из млечного сока корней растения получают смолу, используемую как пряность и лекарственное средство. Объектом экспорта является смола.

**Сассиқ ферула ёки асафетида,
*Ferula assafoetida***

Кўп йиллик ўтсимон ўсимлик;
Зонтсимонлар (Apiaceae) оиласи Ферула
туркумига мансуб тур.

Ўсимлик илдиэларининг сутли
шарбатидан олинадиган мум зиравор ва
дори воситаси сифатида ишлатилади.
Муми экспорт объекти ҳисобланади.



*Смола и порошок из смолы
Муми ва мумдан тайёрланган кукун*



*Ферула вонючая – общий вид
Сассиқ ферула – умумий кўриниши*

**Термопсис, род *Thermopsis* -
травянистые многолетние растения
семейства Бобовые (*Fabaceae*).**

Трава и зрелые семена являются
лекарственным сырьём и объектом
экспорта.

**Термопсис, *Thermopsis* туркуми –
Дуккакклилар (*Fabaceae*)**

Оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон
ўсимлик. Ўти ва етилган уруғлари дори
хом ашёси ва экспорт объекти
ҳисобланади.




Термопсис – общий вид, корень, плоды, семена

Термопсис – умумий кўриниши, илдизи, мевалари, уруғлари

Гармала обыкновенная, или адраспан , *Peganum harmala* L. (1753)

Многолетнее растение с множеством стеблей, его высота 40–50 см, трава имеет характерный запах. Растение зацветает желтыми многочисленными цветками, располагающимися на верхушках стебля и ветвей. Плод – коробочка, имеет три гнезда, в которых созревает до 100 штук семян трехгранноклиновидной формы темно-коричневого цвета. Мощный многоглавый корень, разрастаясь, глубоко проникает в почву. Все части лечебной травы гармалы содержат полезные вещества, превосходно влияющие на организм человека при различных заболеваниях.



Гармала – общий вид, плоды и семена
Гармала – умумий кўриниши, мевалари ва уруғлари

Оддий гармала ёки исирик, *Peganum harmala* L. (1753)

Кўп сонли новдалардан иборат кўп йиллик ўсимлик, унинг бўйи 40–50 см, ўти ўзига хос ҳидли. Ўсимлик новдалари ва шохларининг учида жойлашган кўп сонли сариқ гуллар билан гуллайди. Меваси – чаноқ, уч инли, уларда уч қиррали понасимон шаклдаги тўқ жигарранг уруғлар 100 донагача миқдорда етилади. Кўп бошчали қудратли илдизи ўсиб, тупроққа чуқур киради. Гармала доривор гиёҳининг барча қисмларида турли касалликларда одам организмга шифобахш таъсир кўрсатадиган фойдали моддалар мавжуд.



ТРЕБОВАНИЯ К ПЕРЕВОЗКЕ ЖИВЫХ ЖИВОТНЫХ
ТИРИК ҲАЙВОНЛАРНИ ТАШИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

